

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA
MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

AJINIVOZ NOMIDAGI NUKUS DAVLAT
PEDAGOGIKA ISTITUTI



Filologiya fanlari doktori, professor, Qoraqalpog'istonda
xizmat ko'rsatgan fan arbobi

**YULDAS MATKARRIMOVICH
IBRAGIMOVNING**


80 yillik tovalludiga bog'ishlangan:

«GLOBALLASHUV DAVRIDA TURKIY SHEVASHUNOSLIKNING DOLZARB MUAMMOLARI»

mavzusidagi xalqaro ilmiy-nazariy

ANJUMAN MATERIALLARI

23-noyabr 2022-yil



N.M.P.I.
NOMIDAGI
NUKUS
D.S.P.

To'mkent
2022

Ajiniyoz nomidagi Nukus DPI O‘quv-uslubiy Kengashi tomonidan 2022-yil 10-oktabrdgi 2-sonli qarori bilan nashrga tavsija qilingan

Maqolalarni to‘plovchi va nashr uchun ma’sul:

U.Yu. Ibragimova,

O‘zbek tili kafedrasi o‘qituvchisi, dotsent, *Maqola va tezislarning ilmiy saviyasi, ma’lumotlarning haqqoniyligiga mualliflarning o‘zlari mas’uldirlar.*

Mas’ul muharrirlar:

Sh.Buranova,

p.f.n., dotsent, O‘zbek tili kafedrasi mudiri;

U. Yu. Ibragimova,

ff..doktori (PhD) dotsent.

Tahrir hay’ati:

Q.A.Qodirov, NukusDPI Yoshlar bilan ishslash va ma’naviy-ma’rifiy ishlar bo‘yicha prorektori;

G.Qurbaniyozov, O‘zbek tili kafedrasi dotsenti, filologiya fanlari doktori;

Sh.M.Buranova, O‘zbek tili kafedrasi mudiri, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent;

U.Yu.Ibragimova, O‘zbek tili kafedrasi o‘qituvchisi, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent;

G.A.Yusupova, O‘zbek tili kafedrasi katta o‘qituvchisi, pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD);

S.J.Shinnazarova, Qoraqalpoq tili kafedrasi dotsenti, filologiya fanlari nomzodi.

Taqrizchilar:

N.Q. Murodova, f.f.d., professor, Navoiy davlat pedagogika instituti;

I.O‘. Darvishev, f.f.n., dotsent, Namangan davlat universiteti o‘zbek tilshunosligi kafedrasi;

Z.Yu.Ibragimova, f.f.n., dotsent, Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti O‘zbek tilshunosligi kafedrasi.

Globallashuv davrida turkiy shevashunoslikning dolzarb muammolari xalqaro konferensiya to‘plami [Matn]. – Тошкент: “Firdavs-shoh” нашириёти, 2022 й., – 440 6.

Ushbu to‘plamda globallashuv davrida shevashunoslikda ilgari surilayotgan yangicha ko‘z-zarashlar, o‘zbek adabiy tili va sheva munosabati, shevalarning tuzilish xususiyatlari, turkiy tillar shevalarining yangi tadqiqotlari, turkiy shevashunoslikning milliy-madaniy xususiyatlari, tarixiy dialektologiya, dialektal leksikografiya, dialektal onomastika singari masalalar tadqiq etiladi.

To‘plam filolog o‘qituvchilar, doktarant-tadqiqotchilar, magistrantlar, talabalar va ushbu soha bilan qiziquvchi keng kitobxonlar ommasiga mo‘ljallangan.

II-SHO'BA. LINGVOGEOGRAFIYA VA AREAL LINGVISTIKANING NAZARIY-METODIK ASOSLARI

ХОРАЗМ ДИАЛЕКТАЛ ЗОНАСИНинг ТУРКМАН ТИЛЛИ ТИЛ ОРОЛЛАРИ

Алимарданов Элёр Илхом ўғли
ТошДЎТАУ таянч докторанти
alifiroqiy.95@gmail.com

Аннотация

Хоразм диалектал зонасида ўзбек, туркман, қорақалпок, қозоқ тилли диаспоралар уюшган ҳолатда яшайди. Улар мулоқот жараёнида ўрнига кўра, ўз тилларидан, ўзбек шеваларидан (ўгуз, қипчоқ лаҳжаларидан) ва ўзбек адабий тилидан фойдаланадилар. Мақолада илк бор ўзбек тили массивидаги бошиқ тил вакиллари шеваси ареали – “тил ороли” сифатида тадқиқ этилди. Шунга кўра, Хоразм диалектал зонасининг Хоразм вилояти туркман тилли тил ороллари ҳақида маълумот берилди.

Калит сўзлар: Ўзбек тили, туркман тили, тил ороли, Хоразм диалектал зонаси, ўгуз лаҳжаси.

Annotation.

Uzbek, Turkmen, Karakalpak, Kazakh speaking diasporas live in an organized state in the Khorezm dialectal zone. They use their native language, Uzbek dialects (Oghuz, Kipchak dialects) and Uzbek literary language in the process of communication. In the article, for the first time, representatives of other languages in the Uzbek language massif were studied as dialect area – “language island”. Accordingly, information was provided about the Turkmen-speaking language islands of the Khorezm region of the Khorezm dialectal zone.

Key words: Uzbek language, Turkmen language, language island, Khorezm dialectal zone, Oghuz dialect.

Хоразм диалектал зонаси таркибига Хоразм вилояти, Жанубий Қорақалпоғистон туманлари, Тошховуз вилояти (Туркманистон Республикаси) ҳудудлари киради [Джураев, 1191: 67]. Диалектал зонада ўзбек, туркман, қорақалпок, қозоқ тилли диаспоралар уюшган ҳолатда яшайди. Улар мулоқот жараёнида ўрнига кўра, ўз тилларидан, ўзбек шеваларидан (ўғуз, қипчоқ лаҳжаларидан) ва ўзбек адабий тилидан фойдаланадилар. Мақолада диалектал зонасининг Хоразм вилояти туркман тилли тил ороллари тадқиқ остига олинган.

Атрофи бир ёки бир нечта тиллар билан ўралган, инновацион марказдан узилган, алоҳида ривожланиш жараёнидаги лингвистик ҳудудга *тил ороли* дейилади. Илк бор тил ороли термини немис тилшунос олими В.Кун томонидан 1847 йилда қўлланилган. В.Кун тил ороли (нем. Sprachinsel) терминини Шарқий Пруссиянинг Конигсберг яқинида немис тилли аҳоли билан ўралган славян тилли жамоани ажратиб кўрсатиш учун ишлатган. Атрофи ўзбеклар билан ўралган Хоразм диалектал зонасидаги тегишли туркман тилли ареаллар тил ороли мақомидадир.

Тил ороллари борасидаги тадқиқотларда тил оролининг З жиҳати муҳим эканлиги таъкидаланади [Mattheier, 1996: 812-819]:

1. Лингвистик
2. Ижтимоий (социологик) ва этнологик
3. Методологик

Маълумки, туркман уруглари шева жиҳатидан (фонетик, лексик, морфологик) аксарият ўринларда умумий томонлари мавжуд бўлса-да, бир-бiriни такрорламайдиган фарқларга ҳам эга. Шунга кўра, вилоятнинг турли ҳудудларида яшовчи туркманлар ўз шеваси билан бошқа туркманлардан фарқ қилган. Хусусан, Саримой, Нукус маскани маҳаллаларида оталар, Шихбод ва унга қўшни ҳудудларда шихлар, Туркманлар маҳалласида саларлар, Бўстон маҳалласида човдурлар яшайдилар ва шева жиҳатидан ўзига хос тафовутлари мавжуддир.

Атрофи ўзбеклар билан ўралган мазкур туркман маҳаллалари ўзига хос тил оролларини юзага келтирган. Бошқа тилларапо инновацион марказдан йироқ бўлса-да, лекин мазкур тилда мулоқот қилинадиган ва ўзича ривожланиб бораётган Хоразм туркманлари шеваси тил оролига тўғри келади.

Адабиётларда тил ороли термини лингвистик ва диалектологик орол терминлари билан ҳам аталади. Агар ҳар бир диалект фақат ўзига мансуб чегараларда қолса, бундай тил ландшафтини лингвистик ёки диалектологик орол деб ҳисоблаш мумкин бўлади. [Olloyorov, 2020: 61-bet].

Тил ороли сифатида Хоразм туркманларининг узоқ ўтмишига алоқадор лингвистик-лисоний тарихи бор. Буни ареал-хронологик, диахрон нуқтайи назардан ўрганиш мумкин бўлади. Зоро, тил (шева) жамият билан боғлиқ тарзда ўзгариб боради.

Тилнинг тарихи бевосита ҳалқнинг тарихи билан боғлиқдир. Шу сабабдан Хоразм диалектал зонасида (Хоразм вилояти) туркманларнинг ўрни, уларнинг кўчиб келиши ва жойлашуви тарихи ҳақида қисқача тўхталиб ўтишини жоиз деб билдиқ.

Вилоятнинг Урганч тумани Туркманлар маҳалласида туркманларнинг асосан, салир (қисман, човдир, ота, така) уруғи вакиллари яшайди. Маҳаллада 4500 дан ортиқ аҳолидан 2800 дан ортиғи ўзбеклар бўлса, 1800 га яқин туркманлар истиқомат қилишади. Маҳаллада туркман тилига ихтисослашган мактаб, Ўзбек-турман дўстлик уйи, туркманларнинг қадимий манзил-макони бўлган Улли ҳовли мажмуаси жойлашган.

Маҳалладаги туркманлар ҳозирги Туркманистон Республикаси Мари вилояти Тахтабозор туманидан кўчиб келишган. Ҳозирги кунда мазкур туркманлар ўзбеклар билан аралаш ҳолда уларга қиз бериб, қиз олиб қудаанд, қариндош бўлиб яшайдилар. Шунга кўра, ушбу худуд шеваси ҳам ўзига хосдир.

Салирлар ҳақида С.Атаниязов маълумот бераркан, уруғни (жойлашган ўрнига кўра) З катта гурухга бўлади ва Хоразм вилояти Урганч туманидаги салирларни Бухоро вилоятининг Бухоро, Олот, Қоракўл туркманлари, Самарқанд вилоятининг Нурота, Қўшработ ва Лебап вилоятининг Дехнав, Фароб, Чоржўй салирлари билан бирга иккинчи гурухга киритади ва тил жиҳатидан марказий туркман шевалардан анчайин фарқ қилишини айтиб, туркман шеваларининг иккита (ўғуз, қипчоқ) гурухидан қипчоқ гурухига мансублигини қайд этади [Ataniyazov, 1999: 5].

Қўшқўпир тумани Шихбод маҳалласида ҳам камсонли бўлса-да, туркман диаспораси вакиллари истиқомат қиласди. Маҳаллий ҳалқ тилида Ших қишлоғи ҳудудида З та Шихбод, Ёшлиқ, Боғзор маҳаллалари жойлашган. Асосий туркманлар қишлоқнинг Шихбод маҳалласида истиқомат қилишади ва қишлоқдагилар бу жойни “Туркман оба”, “Туркманлар обаси” номи билан атайдилар.

Ших Хоразм вилояти Кўшқўпир туманининг энг чекка Туркманистон Республикаси билан чегара ҳудудида жойлашган қишлоқ бўлиб, уни шимолда Гозовот, жанубдан Оқдарбанд, шарқ томондан эса, Ҳайробод қишлоқлари ўраб туради. “Довудқўл” заҳкаши эса қишлоқ ерларини тенг иккига ажратган [Муллаев, 2013: 9]. Маҳаллий ҳалқ тилида Ших деб номланувчи қишлоқ ҳозирги кунда уч Шихбод, Ёшлиқ, Боғзор маҳаллаларига бўлинган ва аҳолининг асосий қисми шихлардир. Қишлоқнинг, умуман, ушбу жойларнинг тарихан ташкил топиши, тараққий этишида шихлар муҳим рол ўйнаган. Шунга кўра, ших этноними ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Ших шу номдаги туркий уруғ бўлиб, Ўзбекистон миллий инцеклопедиясида шихларга қуидагича таъриф берилади: Шихлар – туркий қабила. Шихларнинг асосий қисми ўрта асрлардан ҳозирги Туркманистоннинг ғарбий қисмида, Ўзбекистоннинг Бухоро, Қоракўл, Навоий, Муборак туманларида яшаганлар. Ших уруғ сифатида ўзбекларнинг қутчи, қарлук қабилалари таркибида ҳам учрайди. Ших ўз номларини шайх (диний унвон, муқаддас жой, мадраса назоратчиси ва ҳ.к.)ларга яқин қўйиб, келиб

чиқишиларини эса Мұхаммад (с.а.в.) пайғамбар билан боғлайдилар. Аслида Ших ўрта асрларда йирик қабилалардан бириңнинг номи бўлиб, кейинчалик тармоқларга бўлиниб кетганлар. XIX асрнинг иккинчи ярмида Шихнинг асосий қисми ярим кўчманчи бўлиб, чорвачалик билан шуғулланганлар. XX асрнинг 20-30-йилларида Туркманистондаги шихлар туркманлар таркибиغا Ўзбекистонда яшаган шихлар ўзбеклар таркибиға сингиб кетишган [O‘zbekiston milliy inseklopediyasi, 10-jild. 2005: 80].

Инцеклопедияда келтирилган маълумотларда Хоразм вилояти ва ундағи шихлар ҳақида айтиб ўтилмаган. Таъкидлаш жоизки, вилоят худудида ших этноними билан боғлиқ бир нечта топонимлар тарихдан мавжудки, ҳозиргача жой маъноси сифатида қўлланилиб келинмоқда. Қўшқўпирдан бошқа Хива шаҳрида Шихлар, Янгибозор туманида Бошқашихлар маҳаллалари шулар жумласидандир.

Шовот тумани Бўстон маҳалласи ҳам туркманлар тўп-тўп бўлиб яшайдиган манзилгоҳлардан биридир. Маҳаллада 3700 дан ортиқ аҳолининг 800 га яқини туркман миллатига мансуб аҳолидир. Бўстон маҳалласи Шовот тумани марказидан 11 км, Урганч шаҳридан 50 км узоқликда чегара худудда жойлашган. Маҳаллада туркманларнинг, асосан, човдур уруғи вакиллари истиқомат қилишади. Айтиш жоизки, собиқ Иттифоқ даврида ушбу худудда ҳам ўзбек тилида, ҳам туркман тилида фаолият олиб борилган мактаб бўлиб, мустақилликнинг илк йилларида кадр танқислиги, туркман тили ўқитувчиларининг йўқлиги сабаб мактаб тамоман ўзбек тилида ўқитила бошланган. М.Сапаров ўзининг “Хоразм воҳасидаги туркий тилларнинг ўзаро муносабатлари” монографиясида ҳам ушбу мактаб ва худуд туркманлари ҳақида қўйидагиларни баён этади: “Хоразм область Шовот районидаги Лермонтов номли ўрта мактабнинг (бу мактабда ўзбек ва туркман ўқувчилари таҳсил олишади. Туркман болалари 8-синфгacha туркманча ўқиши давом эттиргач, 9-10-синфларни ўзбек тилида ўқишиади. Истаганлар қўшни Тошховуз шаҳрига бориб, ўқиши у ерда туркманча давом эттирадилар) туркман тили ва адабиёти ўқитувчиларининг маълумотига қараганда, туркман ўқувчилари иншо, ҳатто баён ёзганларида ўзбекча (Хоразм ўзбеклари тилига хос) сўзларни беихтиёр қайта-қайта ёзиб юборгандар. Дарҳақиқат, бу ердаги туркманлар тилида икки тиллилик мавжуд. Улар ўзбеклар билан бўлган муомалада ўзбек тилида (Хоразм шеваларида), уйларида эса, туркман тилида гаплашадилар. Суҳбат давомида вазият талаби билан туркман тилидан ўзбек тилига ёки ўзбек тилидан ўз она тилига осонгина ўта оладилар” [Сапаров, 1988: 22].

Тупроққалъя тумани Саримой ва Нукус маскани маҳаллалари ҳам туркманлар гуруҳ бўлиб истиқомат қиласидиган манзилгоҳлардандир. Икки қўшни маҳалла 2018 йилгача бир – Саримой маҳалласи бўлган ва турли ижтимоий сабаблар туфайли икки маҳаллага ажратилган. Жами бўлиб икки маҳаллада 3600 га яқин туркманлар яшайдилар. Саримой маҳалласида 16-

сонли мактаб туркман тилига, Нукус маскани маҳалласида эса, 11-сонли мактаб ўзбек-туркман тиллариға ихтисослашган.

Саримой ва Нукус маскани маҳаллаларида туркманларнинг ота уруғи вакиллари яшайдилар. Ахборот берувчиларнинг маълумотига кўра, маҳаллий оталар Тўрткўл туманидан кўчиб келишган. Тўрткўл туркманлари (аталар) шевасини С.Аразкулиев томонидан ўрганилган бўлиб, олим аталарнинг шеваси билан бирга уларнинг тарихи, тарқалиши ҳақида қимматли маълумотларни бериб ўтади.

С.Аразкулиев ўзининг монографиясида Тўрткўл туркманлари шеваларини 2 гуруҳга бўлади: Ўзбек тили таъсирли туркман шевалари ва қорақалпоқ тили таъсирли туркман шевалари [Аразкулыев, 1961: 6]. Монографиядаги Саримой ва Нукус қишлоқлари туркманлари шеваси қорақалпоқ тили таъсирли туркман шеваларига киритилади. Айтиш керакки, орадан 60 йилдан ортиқ вақт ўтди, мазкур ҳудуд халқлари ҳаётида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Собиқ Иттифоқ парчаланиб, давлатлар мустақилликка эришди ва мамлакатда давлат ва миллий тилларнинг нуфузи янада ортди. Давлат тили сифатида ўзбек тили ҳудуддаги миллий тилларга ўз таъсири ўтказмоқда. Шунга кўра, Тўрткўл туркманлари шевасига, хусусан, Саримой ва Нукус маскани туркманлари шевасига ўзбек тилининг кучли таъсири мавжуд.

Хоразм туркманларининг тил ороли сифатида бир қанча ўзига хосликлари мавжуд, хусусан, географик жиҳатдан жуда узоқ бўлмаса-да, лекин шева жиҳатидан фарқли, шунингдек унча катта бўлмаган ҳудудлардаги мазкур тил вакилларининг яшаб турган ҳудудига кўра, 3 та тил оролига ажратдик:

1. Саримой ва Нукус маскани;
2. Туркманлар маҳалласи;
3. Шихобод-Бўстон.

Тупроққалъя туманидаги Саримой ва Нукус маскани маҳаллари узоқ вақтлар битта қишлоқ бўлиб, кейинги даврда ҳудуд жиҳатидан бўлинган бўлса-да, аммо икки маҳалладаям бир уруғ (ата) вакиллари, қавм-қариндошлар истиқомат қилишади. Шунинг учун ҳам ушбу тил ареалига битта тил ороли сифатида қарааш мақсадга мувофиқдир. Шихобод (Қўшқўпир) ва Бўстон (Шовот) маҳалларини туркманлари шеваси муҳим аксар тил ўхшашликлари жиҳатидан битта тил ороли сифатида қараашни лозим деб топдик. Туркманлар маҳалласи эса, ўзи алоҳида тил ороли сифатида келтирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тил ороллари юзага келишида “буюк кўчишлар”, сиёсий-ижтимоий келишмовчиликлар сабаб бўладики [Olloyogov, 2020: 61-bet], туркман тил оролларининг юзага келишида ҳам ўзига хос сабаблари бор. Бу ҳақида юқорида тўхталиб ўтдик.

Адабиётларда тил оролларининг 3 кўриниши борасида фикрлар баён этилади [Mattheier, 1996: 812-819]:

1. Прогрессив тил ороллари (кенгайиб борувчи);
2. Регрессив тил ороллари (торайиб борувчи);
3. Интровертиал тил ороллари (маълум ижтимоий қатлам вакиллари, масалан, диндорлар билан боғлиқ).

Хоразм туркманлари шеваси *регрессив тил оролларига* мансуб бўлиб, узоқ вақтлардан буён ўзбеклар билан яқин алоқада яшаш туфайли ўзбек тилининг яхшигина таъсири мавжуд. Айтиш жоизки, туркманлар билан ўғуз ўзбеклар ўртасидаги муносабат тўғрисида гап борар экан, иккисининг ҳам ташкил топишида ўғуз компонентининг асосий роль ўйнаганлигини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак бўлади. Ўзбеклар билан туркманлар ўртасидаги алоқа генетик томон билан чекланмайди. Ўзбек уруғлари орасида туркман номли уруғнинг бўлиши, туркманларда ўзбек уруғларидан баъзи бирларининг номлари учраши бу икки халқ муносабатлари тарихининг илдизлари ниҳоятда чуқур эканлигидан далолат беради [Кармышева, 1976: 214-230]. Улар бир-бирларига қиз олиб қиз беришган. Абулғозий Баҳодирхоннинг ўғли Анушахоннинг хотини Тўхтахоним Хоразмнинг жанубидаги Дарғон қишлоғида яшовчи туркман уруғларидан бўлган [Бартольд, 1963: 612]. Абулғозий Баҳодирхоннинг ёзишича, туркманларнинг алиэли уруғи туркман ва ўзбекларнинг аралашуви натижасида юзага келгандир [Кононов, 1958: 75]. Туркман тили нохур диалектининг хивалилар уруғи қадимда Хоразмдан кўчиб келган ўзбеклар бўлиши мумкин, деган маълумотлар ҳам бор.

Регрессив тил ороллари инновацион марказдан узилган ҳолда ёндош тиллар таъсирига тушади ва тилда турли даражада ўзгаришлар юз беради. Шунга кўра, Хоразм туркманлари тил ороли сифатида марказдан ажralган ва кучли даражада ўзбек (ўғуз лаҗжаси) тили таъсирига тушган.

Регрессив тил ороли сифатида Хоразм туркманлари шеваси турли даражада ўзбек тилининг таъсирига учраган. Шу жиҳатдан, биз мазкур худудларни ўзбек тилининг қанчалик таъсир доирасига учраганлигига кўра 3 даражага ёки (ранглар жиҳатидан) гурухга ажратдик:

Биринчи даражали ёки яшил рангли тил ороллари. Ушбу гурухга Тупроққалъа туманидаги Саримой ва Нукус маскани маҳаллалари мансуб бўлиб, мазкур худуд туркманлари ўз шеваларини аксар ҳолларда яхши сақлаган, ўзбек тилининг таъсири (бошқа худудларга нисбатан) жуда пассивдир. Тил ороли вакиллари қишлоқда, кўча-кўйда, умуман, ўз манзилгоҳларида туркман тилининг ота шевасида сўзлашадилар. Ҳаттоқи шу ва шунга яқин худудда яшовчи ўзбеклар ҳам мулоқот жараёнида туркман

тилида гапирадалар. Мазкур худудда 2 та мактаб (11, 16-сонли) мавжуд бўлиб, бири фақат туркман тилига, иккинчиси эса, ўзбек ва туркман тилларига ихтисослашган.

Урганч тумани Туркманлар маҳалласи иккинчи даражали ёки сариқ рангли тил оролига мансуб бўлиб, маҳалладаги туркманлар, қўп ҳолатларда ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси, Урганч шевасида сўзлашадилар. Ўзбеклар билан аралашиб яшаш натижасида маҳалладаги туркманлар шеваси ўзбек тилининг кучли таъсирига учрамоқда. Айтиш жоизки, мазкур ареалда ўзбек ва туркман ҳалқларининг бир неча юз йиллик яқин алоқада яшашлари маҳаллий ўзбеклар шевасига ҳам туркманча унсурларининг ўтишига олиб келган.

Худудда туркман тилини ривожлантиришга имконият ва ҳаракат бор. Маҳалладаги 29-мактаб туркман тилига ихтисослашган.

Учинчи даражали ёки қизил рангли тил ороллари қўпчиликлар (ёndoш) тиллир таъсирига юз тутиб, озчиликларнинг ўз тилини унутиш даражасидаги ареалларга нисбатан айтилади. Қизил ҳудудли тил ороллари Шихобод-Бўстон маҳаллалари мансуб бўлиб, мазкур ҳудудлар туркманлари ўз шеваларидан деярли фойдаланмайдилар, асосан, катта авлод вакиллари (40-50 дан ошган) ўзаро ўрнига кўра ишлатиши мумкин. Хоразм шеваларидан фойдаланувчи мазкур туркманларнинг урф-одатлариям ўзбекларники билан омухталашиб кетган.

Хулоса:

1. Хоразм диалектал зонасида ўзбек, туркман, қорақалпок, қозоқ тилли диаспоралар уюшган ҳолатда яшайди. Улар мулоқот жараёнида ўрнига кўра, ўз тилларидан, ўзбек шеваларидан (ўғуз, қипчоқ лаҳжаларидан) ва ўзбек адабий тилидан фойдаланадилар.

2. Атрофи ўзбеклар билан ўралган Хоразм диалектал зонаси туркман тилли ареаллари ўзига хос тил оролларини юзага келтирган. Бошқа тиллараро инновацион марказдан йироқ бўлса-да, лекин мазкур тилда мулоқот қилинадиган ва ўзича ривожланиб бораётган Хоразм туркманлари шеваси тил оролига тўғри келади.

3. Хоразм вилоятида туркманларнинг, асосан, ота, салир, човдур, ших уруғи вакиллари уюшган ҳолатда яшайди.

4. Вилоят ҳудудида туркман тилли тил ороллари яъни туркман тилида сўзлашувчи манзилгоҳлар қуйидагилар: Урганч тумани Туркманлар, Кўшкўпир тумани Шихобод, Шовот тумани Бўстон, Тупроққалъа тумани Саримой ва Нукус маскани маҳаллалари.

Хоразм туркманларининг тил ороли сифатида бир қанча ўзига хосликлари мавжуд, хусусан, географик жиҳатдан жуда узоқ бўлмаса-да, лекин шева жиҳатидан фарқли, шунингдек унча катта бўлмаган ҳудудлардаги

мазкур тил вакилларининг яшаб турган ҳудудига кўра, 3 та тил оролига ажратдик:

1. Саримой ва Нукус маскани;
2. Туркманлар маҳалласи;
3. Шихобод-Бўстон.

5. Хоразм туркманлари шеваси *регрессив тил оролларига* мансуб бўлиб, узоқ вақтлардан буён ўзбеклар билан яқин алоқада яшаш туфайли ўзбек тилининг яхшигина таъсири мавжуд.

6. Регрессив тил ороли сифатида Хоразм туркманлари шеваси турли даражада ўзбек тилининг таъсирига учраган. Шу жиҳатдан, мазкур ареаллар ўзбек тилининг қанчалик таъсир доирасига учраганлигига кўра 3 даражага ёки (ранглар жиҳатидан) гурухга бўлинади:

- a. Биринчи даражали ёки яшил рангли туркман тилли тил оролига Саримой-Нукус маскани;
- b. Иккинчи даражали ёки сарик рангли туркман тилли тил оролига Туркманлар маҳалласи;
- c. Учинчи даражали, қизил рангли тил оролига Шихобод-Бўстон ареаллари киради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аразкуловыев С. Гарагалпагыстан АССР-ның Дөртгүл районындаки түркмен геплешиклери. Ашгабат, 1961.
2. Бартольд В.В. Очерки истории туркменского народа.// Сочинения. М., 1963.
3. Джураев А. Теоретические основы ареального исследования узбекоязычного массива. Ташкент, 1991.
4. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. М., 1976.
5. Кононов А.Н. Родословная туркмен. М.-Л. 1958.
6. Муллаев Қ. Шайхликлар. Урганч: Хоразм, 2013.
7. Сапаров М. Хоразм воҳасидаги туркий тилларнинг ўзаро муносабатлари. Тошкент, “Фан”, 1988.
8. Ataniyazov S. Türkmen boyalarının geçmişi, yayılışı, bugünkü durumu ve geleceği // Bilig, 1999.
9. Mattheier, Klaus J. (1996): „Methoden der Sprachinselkorschung.“ In: Goebel, Hans, Nelde, Peter H., Starý, Zdenek, Wölck, Wolfgang (eds.) (1996/97): Kontaktlinguistik / Contact linguistics / Linguistique de contact. Ein internationales Handbuch zeitgenössischer Forschung. An international handbook of contemporary

research. Manuel international des recherches contemporaines. 1. Halbhd. Berlin, New York: de Gruyter.

10. Olloyorov Q. Areal lingvistika (o‘quv-uslubiy qo‘llanma). Toshkent, 2020.

11. O‘zbekiston milliy inseklopediyasi, 10-jild. Toshkent, O‘zbekiston milliy inseklopediyasi nashriyoti, 2005.

МУНДАРИЖА

I-SHO‘BA. TURKIY SHEVASHUNOSLIKNING DOLZARB

MUAMMOLARI

| | |
|---|----|
| Ю.М.Ибрагимов. Жанубий оролбўйи ўзбек шевалари лексикасида луғавий бирликларнинг этимологик талқини | 3 |
| Қ.Қодиров. Тил – давлат сиёсатининг устувор масаласи сифатида | 10 |
| N.Murodova. O‘zbek tilining dialect sistematikasi..... | 13 |
| Т.К.Сыдыкова. Диалектилер – адабий тилдин башаты | 16 |
| Л.К.Ишкильдина. О фонеме [з] в караидельском говоре северо-западного диалекта башкирского языка..... | 22 |
| И.Дарвишов. Шева – этнослараро жараёнлар ҳосиласи | 28 |
| З.Дўсимов, Ш.М.Алимова. Хоразм қипчоқ шеваларида туркий қатламга мансуб айрим сўзлар таҳлили..... | 34 |
| А.А.Закиров, С.Н.Ахмедов. Лексико-семантические источники образования этнотопонимов джизакского региона..... | 39 |
| Г.Р.Мугтасимова. Татар халық мәкалъләрендә күзәтелгән морфологик диалектизмнар | 42 |
| I.O.Darvishov, Z.Yu.Ibragimova. Vowels in turkic dialects and related linguistic patterns | 46 |
| Сэлахова Р.Р.к., А.Р.к.Хәсәнова. Татар теле дилемктарында кайбер туганлық атамаларының кулланылыши үзенчәлекләре | 56 |
| Sh.X.Norbayeva. Xorazm shevalari leksikasi tarkibida substrat asosli birliklar | 61 |
| Г.К.Базаралиева, Г.С.Кожобекова. Кыргыз тилинин аксы говорундагы тилдик өзгөчөлүктөрү | 66 |
| S.Rahmonov. Chandir shevalarining boshqa shevalar bilan munosobati | 75 |

| | |
|---|-----|
| B.A.Raxmanov. Surxondaryo dialektal maqol, matal va aytimlari uchraydigan etnografizmlarning etnomadaniy xususiyatlari..... | 77 |
| Г.Э.Садыралиева. Кыргыз тилиндеги диалектилердин лингвомаданий өзгөчөлүктөрү | 82 |
| Н.Г.Янгибаева. XX асрнинг 20-йилларида ўзбек адабий тили шеваларининг фонетик хусусиятлари..... | 86 |
| M.Allambergenova. Turkiy yozma yodgorliklar tilidagi so‘zlarning o‘zbek shevalarida qo‘llanishi | 90 |
| O.E.o‘.Nurjonov, I.K.q.Ruzmetova. Xorazm qipchoq shevalari etnografik leksikasidagi so‘z yasalishi hodisasi..... | 93 |
| Z.V.Alimova. Sharq sevashunosligi va fors tilining tehron lahjasi xususida | 96 |
| A.M.Hasanov. O‘zbek adabiy tilidagi leksik bo‘shliqlarni sheva so‘zleri bilan to‘ldirilish tarixiga nazar | 99 |
| A.Djoldasbayeva. Shevalarda ifodalangan taom nomlarining izohi | 104 |
| II-SHO‘BA. LINGVOGEOGRAFIYA VA AREAL LINGVISTIKANING NAZARIY-METODIK ASOSLARI | |
| S.Ashirboyev. Kontinuum va uning areal lingvistikadagi talqinlari..... | 107 |
| Қ.З.Сембиев. Топонимдердің лексика-семантикалық құрылышы..... | 122 |
| А.Ш.Ишмухаметова. Названия некоторых ядовитых лекарственных растений в диалектном ареале башкир | 129 |
| B.E.Kilichev. Buxoro toponimlari tarkibi va areali haqida..... | 135 |
| N.A.Rasulova. Formation of areal linguistics and its studying | 138 |
| S.M.q.Po‘latova, Z.M.q.Po‘latova. Areal lingvistikaning metodologik va metodik asoslari | 142 |
| N.Sh.Kurbanazarova. Areal lingvistikaning boshqa fanlar bilan aloqasi | 145 |
| Э.И.ў.Алимарданов. Хоразм диалектал зонасининг туркман тилли тил ороллари | 149 |
| Sh.M.Tillayeva. Dialektologiya va lingvistik geografiya..... | 156 |
| M.Muhammadiyeva. Maishiy leksikaning areal tasnifi | 161 |
| P.Мадаминова. Қорақалпоғистон ўзбек шеваларида этнографизмларнинг ареал тадқики | 163 |
| III-SHO‘BA. DIALEKTAL LEKSIKOGRAFIYANING DOLZARB MASALALARI | |
| J.Eltazarov, Z.Husanova. “Devonu lug’at-it turk”da kishи otları va laqablar | 169 |
| Ә.Ш.к.Юсупова. XIX гасыр сүзлекләредә диалекталь сүзләрнең урыны həm rolе | 176 |
| Ercan ALKAYA, Tuğba GÖKBAYIR. Türkiye’de dil alanında ali şir nevayı’nın eserleri üzerine yapılmış çalışmalarla ilgili bir değerlendirme | 184 |
| М.Р.Валиева. Диалектная лексика Башкирского языка..... | 194 |

| | |
|---|-----|
| Abdul Khalil Ahmadoughli. Klassik o‘zbek shoiri faqri tohir va uning adabi kishiligi..... | 197 |
| Ф.Р.Латыпов. Предположение о древнем восточно-средиземноморском происхождении социо-этнонима сарт у средневековых групп узбеков..... | 202 |
| М.В.Лебедева. Двуязычные словари: проблемы и тенденции развития..... | 212 |
| M.Sh.Saidova. Qarindoshlik terminlari lingvistik tahlil o’byekti sifatida..... | 218 |
| Muhammad Humayun Nadim. Shimoliy Afg‘oniston o‘zbeklari etnografik leksikasining tarixiy-etimologik xususiyatlari | 224 |
| Г.Э.Нэбиуллина. Фразеологик төзелешле кушма жөмләләр..... | 230 |
| М.Абдиев, Р.Набиев. Фориш шевасининг айрим лексик хусусиятлари..... | 235 |
| Б.Умуркулов. Диалектизмы – услугый восита..... | 237 |
| S.E.Turdimurodov. Leksikografik manbalarda evfemik darajalanishga xos ayrim xususiyatlar | 241 |
| Р.Тожиматов. Ўзбек диалектизмы ва уларнинг Мухаммад Юсуф шеърларида воқеланиши | 245 |
| M.Sh.Saidova. “Qayin” ishtirokida yasalgan qarindoshlik terminlarining yaratilish tarixi | 249 |
| Celâl GÖRGEÇ. Petrus simon pallas’in “Zoographia rosso-asiatica” adli eserinde kirgizca hayvan adlari..... | 254 |
| Х.Ч.Файзиева. Бойсун-шўрчи гуруҳ шеваларида от ва унга боғлиқ лексемалар..... | 259 |
| З.Ф.Яруллина. Татар паремияләрендә ат образы..... | 267 |
| Ю.У.Нурова. Паремалардаги озиқ-овқат номлари этнолингвистика объекти сифатида | 272 |
| Sh.Sariyev. Madir kulolchilik leksikasi talqini | 275 |
| П.Ж.Отениязов. Қарақалпақ халық ертеклеринде көркем сүйретлеў куралларының қолланылыўы..... | 278 |
| И.Казаков, Р.Т.қ.Жаңабаева. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида йилки сўзининг қўлланилиши | 284 |
| O.I.o‘.Abdullayev. O‘zbek va qoraqalpoq tili lug‘atchiligining boyish manbalari va yo‘nalishlari | 287 |
| Ch.Karimboyeva. Inson ismlariga qo’shib aytildigan laqablar etimologiyasi (amudaryo tumani misolida) | 290 |
| N.B.Adizova. Buxoro viloyat toponimiyasining mavzuviy-nominativ tasnifi | 293 |
| A.X.Turdialiyev. Mahalliy joy nomlariga doir mulohazalar | 299 |
| Шэйхулов Ю.Д.у. Төрки сўзләрнең инглиз сўзлекләрендәге урыны | 303 |
| S.Sh.Yusupov. Ota leksemali nekrotoponimlar | 309 |
| Hodiyeva M.A.q. Kasbi tumanidagi <i>maymanoq, mug ‘lon</i> qishloqlarining tarixiy-etimologiyasi | 312 |

| | |
|---|-----|
| T.Fayzullayeva. Pastdarg‘om tumani sag‘zil qishloq leksikasidan namunalar | 315 |
| M.Xazirbayeva. Qoraqalpog‘iston hududidagi turkiy xalqlar etnografiyası..... | 319 |
| З.Р.Хидралиева. Иқон шевасида сөн сүз туркуми | 322 |
| IV-SHO‘BA. ADABIY TIL VA SHEVALAR MUNOSABATI | |
| A.Бердиалиев. Тилнинг этник гурухларга хос амалий шакллари тизимида адабий тилнинг мавқеи ҳақида | 325 |
| P.Х.Абдрахманов. Сөзөзгерімнің тілдік механизмін жасаудағы дәйек қосалқылардың рөлі | 330 |
| A.A.Axrorov, S.F.Begimqulova. Fe’lda analitik usulda shakl yasalish masalasi | 336 |
| Л.А.Бускунбаева. Особенности функционирования контекстуально-неполных предложений в башкирском языке..... | 338 |
| Ж.Хошниязов. «Қорқыт» атамасы тууралы..... | 343 |
| Lubna Ali Mohammed. Contrastive analysis of arabic and english consonants..... | 346 |
| Р.Ж.Махмудов. Янги Ўзбекистонда тил тараққиётининг муаммолари.... | 356 |
| U.Ibragimova Nutqiy samaradorlikni ta’minlashda ko‘chirma va o‘zlashtirma gaplarning o‘rni | 363 |
| S.Shinnazarova. T.Qayipbergenov shıgarmalarında qospa gáp túrindegi somatikaliq frazeologizmler..... | 367 |
| Said Mohammad Olim Labib. O‘zbek tilida arab alifbosidan foydalanishning muammolari..... | 369 |
| Э.Ю.Оразбаев. Туркий тиллардаги арабча ўзлашмаларда ундошлар таркибидаги вариантилил..... | 376 |
| M.O.Rahimova, F.O.q.Muhammadqodirova. Presuppozitsiya hodisasining yuzaga kelishi va o`rganilish jarayoni | 379 |
| A.M.Rasulova. Shart maydonida modal so‘zlarning o‘rni | 382 |
| А.Мадаминов. Умра ибодати билан боғлик ономастик бирликларнинг лингвомаданий талқини | 384 |
| N.A. Kudratxodjayeva, Z.N. Usmonova. Kognitiv fan va kognitiv lingvistika | 386 |
| B.Qurbanbaeva, D. Xalmuratova. Qaraqalpaq folklori shıgarmalarındağı dialektizmlerde sinonimiya qibilisi | 389 |
| С.Жалилов. Қиёсий лексиканинг долзарб масалалари..... | 392 |
| О.Хайтбаев. Феъл фраземаларнинг ҳозирги ўзбек ва қорақалпоқ тилшунослигига ўрганилиши | 395 |
| Ch.D.Chariev. Túrkmen tilindegi túbir morfemalardıń fonologiyalıq düzilisi hám buwin qurilisi..... | 398 |
| Х.Бегжанов. Өзбек, қарақалпақ ҳэм түркмен тиллеринде адам мүшелерин аңлататуғын айрым сөзлердин типологиялық семантикасы ҳақында | 401 |
| Ж.Ж.Ёдгоров. Шеърий матнда ономатопик сўз..... | 403 |

| | |
|--|-----|
| Г.У.Темирханова. Ҳәзирги қарақалпақ тили лексикасы қурамындағы өзlestirme сөзлердің тематикалық сферасы | 406 |
| М.К.Kaypnazarova. Qaraqalpaq tilindegi diyqanshílíf leksikasíníń túpkilikli hám ózlestirme qatlamí | 411 |
| S.K.q. Nurimbetova. Qaraqalpaq tilinde antroponimlerdiń leksikalizaciya usílídá jasalíw modeli..... | 413 |
| F.X.q.Qosimova, K.E.Usmonova. Phonological contradictions | 416 |
| Z.R.Tillabayeva. Nusrat rahmat ijodida dialektizmlarning qo'llaniishi..... | 419 |
| А.М.Амангельдиева, Н.С.Баймакашева, А.Ә. Тұрғантай. Қазіргі қазақ есімдерінің лингвистикалық сипаты | 422 |
| Я.Курбанов. Организация обучения при формировании практических навыков | 425 |
| Айитбаева Ш. Тил – миллат маънавиятининг муқаддас тимсоли..... | 429 |
| Д.К. Ержанова. Көркем шығарманы лингвопоэтикалық аспектте үйренийдің әхмийети | 431 |